

**INT-G0033/41 - SON**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Наманган ш.

2022 йил "26" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 йилдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Ўзбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Чортоқ муҳаммад Абдул ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б. Рузидобов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома туздилар;

- Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максалларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютала кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фунт** миқдоридан олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 1800000 (Бир миллион есаккуз юз миң) сўми ташкил этади. Ушбу сумма 1800000 (Бир миллион есаккуз юз миң) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ ( ) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортинча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмагани. Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмастлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун инсталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрый равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлангизиланган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) миң** куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангизилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширадиган.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни сулғача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликларни ёки қатъий-ҳаракатларини содир этмасликларни юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини



юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросаз курашни чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Яқиний қондалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганилиги ҳақидаги жавобини) билдиради.



7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида гулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь** кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлангизирлан бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p><b>ОПЕРАТОР:</b>          “Ўзбектелеком” АК          Наманган филиали</p> <p>Манзил: Наманган шаҳар Истиклол куча 57-уй          Банк маълумотлари:          х/р: 2021 0000 0040 7483 8363;          СТИР: 203366731;          МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”          Тел: _____;          E-mail: b2b@uztelecom.uz;</p>	<p><b>АБОНЕНТ:</b> <i>Чиртоқ тумани оҳоласи</i>  <i>Бандликка қўйилган шахсларнинг ширкати</i>          Манзил: <i>Чиртоқ шаҳри Истиклол 3</i>          Банк маълумотлари:          х/р: <i>23402 0003 001 0000 1010</i>          СТИР: <i>200 107 058</i>          МФО: <i>00014</i>          Банк номи: <i>Ўзбекистон Ёшлар Банки Ташкилот иш</i>          Тел: <i>67 41 22 207</i>          E-mail: <i>agom_9_20200@mail.ru</i>          Дот: _____</p>
<p>Оператор номидан:            Б.Нурматов</p>	<p>Абонент номидан:            Директор: <i>Б. Рўзидоев</i>          м.п. _____</p>



АБКАТ  
 юр. шакли:  Ш. Нурмаев

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (ADSL технологияси бўйича)		Нархнома		
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
	Corporate-4 тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигида UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш	600 000	Нархнома	3	1800000
2.1	Абонент тўлови	450 000.00	Нархнома	1	450 000.00
2.2	ETHERNET/VPN Абонент тўлови	130 000.00	Нархнома	1	130 000.00
2.2	Статический IP Абонент тўлови	20 000.00	Нархнома	1	20 000.00
					600 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				1800000

Жами олдиндан тўлов миқдори 600 000.00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.  
 Ҳар ойлик тулов 600 000,00 сум

Шартноманинг умумий миқдори 1800000 (Бир миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади. Ундан 1800 000 (Бир миллион саккиз юз минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм бир мартабалик FTTX технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:  
 “Ўзбектелеком” АК  
 Намаган филиали

АБОНЕНТ:

Чортоқ тўловия АБЖ

Оператор номидан:  
  
 Директор \_\_\_\_\_ Б.Нурматов

Абонент номидан:  
  
 Директор \_\_\_\_\_ Б. Рузибоев